



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 август, сешанба № 142-143 (1984)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам фестивал қатнашчилари! Азиз меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш гўзал ва бетакрор Самарқанд «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали иштирокчилари ва унинг меҳмонларига бағрини кенг очиб бермоқда.

Азиз дўстлар! Бугун биз ўта таҳликали ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай нотинч бир даврда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиладиган, инсониятнинг муштарак ва бебаҳо бойлиги бўлган музика санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

қилиши табиий, албатта. Менга буюрса, барчангизни бағримга босиб, сизларга энг юксак, энг катта мукофотимизни - кўнгли бойлигимиз, қалб саховатимизни берган бўлардим.

Барчангизни - «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг мухтарам иштирокчилари ва унинг азиз меҳмонларини чин қалбимдан нафақат Самарқанд аҳли, балки дёғиримизда яшайдиган барча миллат ва элатлар номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз азим Самарқандга, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб қутлашга ижозат бергайсиз.

Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу - музика, бу - оҳанг, бу - тарона.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳалқимизнинг, биз сизларни юртимизда қуришдан, ноёб санъатингиздан баҳраманд бўлишдан бахтиёримиз, доимо азиз меҳмонимиз бўлинг, деган самимий дил изҳорини сизларга билдирмоқчиман.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улғувор Шарқ олами намён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки миң етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида муҳкам этиб, дунё ахлининг эътиборини торттиб келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас: дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз оstonасига саз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади.

Анжуман кунларида сизлар Самарқанднинг бетакрор табиати, кўҳна ва ҳамиша навқирон қиёфаси, тенгсиз меъморий ёдгорликлари билан танишар экансиз, меҳмонга қалбини очиб, меҳрини берадиган Самарқанд аҳли билан мулоқотда бўлиб, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўриб, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз, деб ишонаман.

Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик музика санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжумани айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун биз ҳам сизларни - ўзимизнинг азиз меҳмонларимизни дунёнинг яқин ва узоқ жойларида истикомат қилаётган халқларнинг маънавий ва маданий руҳини музика воситалари орқали ифодаловчи, уларнинг саломи ва самимий тилақларини етказувчи тинчлик ва дўстлик элчилари деб қабул қиламиз ва қадраймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» музика фестивалининг жонқуярларидан бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро музика кенгаши раҳбарларига ушбу анжумани ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдираман.

Қадим Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростилаган мухтарам обидаларнинг мовий гўлмоз пештоқларидан худдики мумтоз музика овози эшитилиб тургандек ҳиссиёт туғилади. Бу садолар мана шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар қайси инсонга бамисоли тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб бериб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаб тургандек туюлади.

Кани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршиликлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адovatлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал музика садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка даъват этса!

Кимматли вақтини ямай, бугунги фестивал ишида яқиндан иштирок этаётган, ЮНЕСКО Бош конференциясининг президенти Майкл Омелева жанобларига, жаҳондаги музика оламида юксак ном ва обрў қозонган сеvimли санъаткорларимизга, шу жумладан, Франциядан Самарқандга таширф буюрган Шарль Азнавур жанобларига алоҳида хурмат-эътиромимни изҳор этмоқчиман.

## ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА «ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТўПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИА ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Матбуот ва ахборот агентлиги ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантини яратди

Ислам Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўпламида мустақил Ўзбекистон давлатининг қарор топшиши ва тараққиёти босқичлари ёркин акс эттирилган. Унда Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг стратегик вазифа ва йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

юқори сифатли графикали, овозли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлмиш мультимедиа технологияси кенг қўлланилмоқда. Ўзбек ва рус тилларида давлатимиз раҳбарининг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантининг яратилиши мақсуд асарларни янги ва юқори технологик электрон воситалар орқали ўрганиш имконини беради.

XII аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай кечди, унинг турмуши қай даражада яшилди ва фаровонлашди? Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчилик ва сивовлар кутаётганини, оёсийишта турмушимиз, тинчлик ва ҳафизлигимизга таҳдид солётган хавф-хатарни етарлича аниқ аниқлаётимизми?

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу мультимедиа дискига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат маъхияси, Президентнинг таржimai холи ва Конституцияда белгиланган мақомига доир маълумотлар, XII жилдлик асарларнинг 8000 саккизга яқин матни ҳамда давлат раҳбари фойлиятига оид 700 дан зиёд фотосуратлар, юзга яқин аудио ва видеоматериаллар киритилган.

Ушбу хавф-хатарларни қандай бартараф этишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақда теосийиш мувозанатни сақлаб қолиш ҳамда глобал хавфсизликни таъминлаш учун қандай қарорлар мавжуд?

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТўПЛАМИ» CD-дискин яратилишида Ўзбекистон Президентини Матбуот хизматининг интернет-сайти (www.press-service.uz) ахборот ресурсларидан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан, шунингдек, миллий мумтоз куйларимиз ва жаҳон классик бастакорлари асарларидан фойдаланилган.

XII асрда янада барқарор ривожланиш учун Ўзбекистон қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сифатда, жамиятни янгилаш ва тараққиёт топширишда қандай устувор йўналишлар мавжуд? Жаҳондаги давлатлар билан кенг ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитларни тақлиф эти олаимиз?

«Ислам Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўплами» мультимедиа вариантининг яратилиши мақсуд асарларни янги ва юқори технологик электрон воситалар орқали ўрганиш имконини беради.

## ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ховос туманида олти юз ўринли янги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Ҳуқуқчилар бу ерда олти йўналиш - қишлоқ хўжалиги учун механиклар, ўсимликшунос фермер, кичик энтмолог, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик ва компьютер оператори ихтисосликлари бўйича таълим олади.

## «Шарқ тароналари - 2005» МУСИҚА ДИЛЛАРИНИ БОҒЛАЙДИ

Икки кундирки, Самарқанд узра дилларни дилларга боғловчи куй-қўшиқлар янграмоқда. Қарийб элликка яқин мамлакатдан келган санъаткорлар ўз иштирокларини намойиш этипти. Шу билан бирга улар рўйи-замин сўйқали деб улугланидиган бу шаҳарнинг кўҳна обидалари, халқимизнинг тарихий аънавлари, урф-одатлари билан яқиндан танишишмоқда.

Кўп мамлакатларда бўлганман, - дейди Жанубий корейлик Янг То Ю. - Турли-туман фестивалларда иштирок этдим. Аммо Шарқнинг энг қадимий шаҳри бўлмиш Самарқандни қиришни болалигимдан орзу қилардим. Бу шаҳар ҳақида китобларда ўқиганман. Мана, бугун санъат мени шу азим шаҳарга етказиб келди. Халқимизнинг меҳмондўстлигини, фестивалга тайёрларлик ишларининг мукамаллигини кўриб, «Шарқ тароналари»дек нуфузли анжуман нега Ўзбекистонда, айнан Самарқандда ўтаётганига амин бўлдим.

## СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Корея-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сикни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаол ва самарали хизматлари учун «Корея-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сик «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қурагининг янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиклол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сифсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларни фахрий унвонлар берилсин:

Бандин Анатолий Федорович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими. Кўчкор Тохир Анваров - Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

(Давоми 2-бетда)



## ЯНГИ КОРХОНАЛАР - ЯНГИ ИШ ўРИНЛАРИ

Ўзбекистонда истиклол байрами арафасида тўқинчилик соҳасида бир неча қўшма корхона ишга туширилди. Мазкур лойиҳалар республикамизда етиштирилётган пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш хажмини босқичма-босқич кўпайтириш жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Бошқача айтганда, соҳанинг фойлият юритибётган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналари олдига мамлакатимизда тайёрланаётган пахта толасининг 60 фоизини қайта ишлаш вазифаси қўйилмоқда.

«Тоштексти» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. 26 август кунини пойтахтимизда ушбу корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутаты, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий фирмалар, компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда)

## БОЗОРЛАР ЮРТ КўРКИ

Мустақиллик байрами арафасида вилоят марказида майдони 3,27 гектарга тенг бўлган янги бозорнинг биринчи навбати ишга туширилди. Иншоотнинг лойиҳа қиймати - 2 миллиард 935 миллион сўмни ташкил этади.

- Жорий йилнинг март ойида бошланган қуриш ишларини «Андижон қурилиш монтаж бошқармаси» масъулияти чекланган жамият олиб бормоқда, - дейди қурилиш дирекцияси раҳбари Алишер Аҳмедов. - Биринчи босқичда полиз экинларини сотиш учун 40 та ўринга эга битта қаторни, 460 та савдо шохобчаси жойлашган иккита павильонни бунёд этдик. Бундан ташқари, 71 та дўкон ҳам қуриб битказилди. Обьектда икки оғнада 120 ишчи ишлади. Даврон Нисомов, Кодиржон Мадумаров ва Гулсарахон Хусанова бошчилигидаги бригадалар ишнинг юқори суръати ва сифатини таъминлади. Биринчи босқичда обьектда 650 миллион сўм ўлаштирилди. Ҳозирги вақтда қурилишнинг иккинчи босқичи олиб боришмоқда. 60 та минг-дўкон ва иккита павильонда монтаж ишлари бажарилмоқда.



# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

#### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ:

**Назаров Икром Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билим юртининг жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси

#### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ:

**Ташматов Валижон** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

#### Мамлакатимиз Куроли Кучларни тизимда ислохотларни амалга оширишда фаол қатнашган, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

#### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Мамо Владимир Адольфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик корпус командирининг ўринбосари

**Науом Виктор Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

#### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Чиналиев Зокирали Ниёзқулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг отряд командири

#### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурахимов Ганижон Муллажонович (мархум)** — Андижон шаҳар прокурори

**Бобожонов Мурод Йўлдошбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон командири

**Боймирзаев Аскарвали Хасанбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гафоров Уткирбек Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Зоҳидов Шухратбек Уткирович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Қамчиев Салимберди Худойбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Отабек Иброҳимович (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримжонов Баходиржон** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кожиев Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамаюсупов Рустам Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон командири

**Носиров Нодирбек Болтабекович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-кинологи

**Панфилов Александр Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахмонов Улугбек Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сафаров Бахтиёр Шакарбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Товулдиев Аброрбек Анарбаевич (мархум)** —

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари секцияси командири

**Тухсинов Иқбол Авазбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Екуббек Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Соҳижон Солиевич (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайитов Мухторжон Умаржонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг хизматчиси

#### «ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Данильян Фрик Арамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг Тергов бош бошқармаси катта терговчиси

**Икромов Эргашов Жумабекович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

**Наримбетов Жиенбай Бекимбетович** — Хоразм вилояти Янгибозор туман прокурори

**Ҷен Эдуард Самнамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг бўлим бошлиғи

**Шангарев Ильмир Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг катта тезкор вакили

**Шиманис Андрей Олегович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг катта инспектор-муҳандиси

#### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Аббосқўжаев Алихон Шорохон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг пост бошлиғи

**Абдуҷабборов Дилмурод Султонмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод командири

**Абдуқанонов Давронбек Уктамович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-хайдочиси

**Абдуллаев Курбонали Мўйидинович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси гуруҳ командири

**Абдулхамидов Ақромжон Фозилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон мухтаassisи

**Абдурашитов Ринат Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг катта тезкор вакили

**Абдуқусупов Мурод Абдураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Азизқўжаев Хуршидқўжа Талъатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг катта инспектори

**Азимов Равабон Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон командири

**Отабеков Анваржон Машираббекович (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон мухтаassisи

**Баходиров Муҳаммад-носир Маматшокирович (мархум)** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**БеҒежанов Нурлан Ботирбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бозоров Зоҳиджон Умаралиевич** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Валиев Анваржон Хамиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод командири

**Вахобов Абдурауф Хожмақбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Волков Алексей Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг катта назоратчиси

**Гафуров Фарход Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

сизлик хизмати ходими

**Давронов Набижон Раҳимович (мархум)** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори

**Жўрабоев Анваржон Аҳмаджонович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Жўраев Рустамжон Мухторжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ мергани

**Дўстонов Илҳомжон Абдуманнопович (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригадасининг сапери

**Жалилов Нодиржон Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ мергани

**Жалолов Халимжон Сотволдиевич (мархум)** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери

**Жумабоев Музаффар Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригадасининг хайдочиси

**Қамчиев Эгамберди** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Каримов Ақбар Абдусамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригадасининг вазедка бошлиғи

**Қаюмов Оллоёр Абдуқодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод командири

**Кидирчиев Мерлан Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон наводчиси

**Қосимов Баходиржон Давронович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ мергани

**Мавлютов Радислав Камилевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бригада командирининг биринчи ўринбосари

**Мадиров Бахтиёр Абдуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик батальон штаби бошлигининг ўринбосари

**Мадраимов Ойбек Маматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Мадраҳимов Иқболжон Иброҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ сапери

**Мамасидиков Зоҳиджон Тўлиқович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

**Маматов Аъзамжон Қамбарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ пулемётчиси

**Манғилев Соҳижон Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик базасининг хизмат бошлиғи

**Маннопов Тохиржон Абдунабиевич** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Махмудов Санжарбек Хамзаевич (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Мирзаев Санжар Бахтиёржон** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг мuddатли хизмат харбий хизматчиси

**Мўминов Ғайрат Эргашевич (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг бўлинимаси бошлиғи

**Назаров Улугбек Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ пулемётчиси

**Насриддинов Абдижалил Сотволдиевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдшерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинимаси катта zobити

**Насриддинов Дилшод Абдулажонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон командири

**Нодиров Қахрамон Абдулатторович** — Андижон вилоят прокуратурасининг катта терговчиси

**Нормаммамовот Хамид Шамсиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик вазод командирининг ўринбосари

**Остонакулов Муродали Алламуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари йуриқчиси

**Раваганов Акмал Миржамилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Ражабов Анвар Ҳакимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Раззоқов Каримжон Абдураулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ мергани

**Раҳмонов Бахтиёржон Фозилович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

**Раҳмонов Мухиддин Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Сайфулла Бухорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонбердиев Фарҳоджон Ақрамжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Раҳмонов Адҳам Нўмонжонович (мархум)** — Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазирасининг бажарувчиси

**Рўзиқонов Раҳимжон Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рустамова Музаффаржон Турсунбекович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Рўзиев Давронбек Улугбекович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-хайдочиси

**Сайбердиев Дилшод Раззоқбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Салаев Музаффар Мўйидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ хайдочиси

**Соҳибов Холмуҳаммад Қобулович (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ хайдочиси

**Соҳибов Абдуллажон Абдуҷабборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сувонов Уктам Хайдарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Аслонбек Рўзалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг бригада командири

**Султонқўжаев Нозим Олимқўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ мергани

**Тожибоев Авазбек Турсунбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара пости техниги

**Ҳамроқулов Улугбек Турғунович (мархум)** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдурахимов Қомилжон Абдураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг алоқа устанаси бошлиғи

**Аҳмедов Машираб Махмудович** — Қашқадарь вилояти божхона бошқармасининг пост бошлиғи

**Баймуратов Жолмурза Жанабаевич** — Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлими бошмақдори

**Бақлашова Татьяна** — Жинжот ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг суд мажлиси котибаси

**Баракаев Нодиржон Номозович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири ўринбосари

**Бекбуғтаев Муҳаммадулар Муҳаммадсидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг полигон бошлиғи

**Бекмуратов Ташево Шухрат Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тожибоев Алимжон Курбоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг хизматчиси

**Толипов Дилшод Абдуҷабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

зириликнинг батальон командири ўринбосари

**Тоҳиров Абдусамат Абдуғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тўраева Раъно Расуллова** — Андижон вилояти божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

**Турғунов Илҳомжон Зокирович (мархум)** — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг ходими

**Турғунов Сардор Каримжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг гуруҳ командири

**Фармонов Ботир Давлатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод командири

**Ҳайдаров Ҳамзабек Юнусалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод мухтаassisи

**Ҳакимов Маъруфжон Норматович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

**Ҳамидов Собиржон Сидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг вазод мергани

**Хасанов Эркинбек Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳошимов Машъал Одилевич (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Худойеров Равабон Турғунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг батальон йуриқчиси

**Ҳўжамов Муҳаммад-носир Зулунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шобурхон Қодиржон Исақўжаевич (мархум)** — Андижон вилояти Ҳўжабод тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Шуқуров Ҳасанбой Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Муроджон Аскаралевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашев Алишер Усмононович (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта инспектори

**Эргашев Жасурбек Аҳмадуллаевич (мархум)** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-кинологи

**Йўлдошев Умиджон Жаборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара пости техниги

**Ҳамроқулов Улугбек Турғунович (мархум)** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдурахимов Қомилжон Абдураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг алоқа устанаси бошлиғи

**Аҳмедов Машираб Махмудович** — Қашқадарь вилояти божхона бошқармасининг пост бошлиғи

**Баймуратов Жолмурза Жанабаевич** — Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлими бошмақдори

**Бақлашова Татьяна** — Жинжот ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг суд мажлиси котибаси

**Баракаев Нодиржон Номозович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири ўринбосари

**Бекбуғтаев Муҳаммадулар Муҳаммадсидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг полигон бошлиғи

**Бекмуратов Ташево Шухрат Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тожибоев Алимжон Курбоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг хизматчиси

**Толипов Дилшод Абдуҷабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг гуруҳ командири

**Тоҳиров Абдусамат Абдуғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тўраева Раъно Расуллова** — Андижон вилояти божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

**Турғунов Илҳомжон Зокирович (мархум)** — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг ходими

**Бурковникова Наталья Борисовна** — Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармасининг бош инспектори

**Бўтабаева Салима Имаралиевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳарбий қисмининг тиббиёт пункти санитар-йуриқчиси

**Воробьев Павел Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғозиев Отабек Улуғбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик батальонининг гуруҳ командири

**Ғенжебаева Набира Қалбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудир

**Есжанов Алтинбек Алибекович** — Навоий вилояти Тоғди тумани суд ижрочилиқ бўлиминининг катта суд ижрочиси



**Чиркини бежизга "кимёгарлар шахри" деб аташ-майдан. Чунки бу шахарда мамлакатимизнинг йирик кимё саноат корхоналари жойлашган бўлиб, унда минглаб инсонлар меҳнат қилади. Бугун шахарда 250 мингдан зиёд турли миллат вакиллари "бир оила-дек" инюк ва ахил ҳаёт кечирмоқда.**

"Электромеханоат" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида бугун 6200 нафардан зиёд ишчи-хотимлар меҳнат қилади. Корхона касабаси Бахтиёр Абдуллаевнинг вақти доимо тигиз. Буни тушунас бўлади. Чунки корхонанинг ишчи-хотимлари ағдақчилик қилиш, уларнинг қувонч-у ташвишларига шериклик қилишининг ўзи осонмас. Катта корхонанинг ташвиши ҳам ўзига яраша.

Касаба уюшма кўмитаси қошида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, маънавият ва оммавий спорт-соғломлаштириш комиссиялари тузилган бўлиб, асосий мақсад ишчи-хотимларга қулай шароитлар яратиш ҳамда уларнинг мазмунли ҳордик чикаришларини таъминлашдан иборат. Уларнинг иш ҳисоботларини таҳлил қилиб бориш ҳам касабаси уюшмасида бўлади. Ил бошида қабул қилинган жамоа шартномаси маъмурият ва касабаси уюшмасининг ҳамкорликдаги фаолиятини янги босқинга кўтарди. Иш беришчи ва ишчининг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етиши, хотимларга яратилган хавфсиз меҳнат шароити ишлаб чикаришда ҳам ўз натижасини бермоқда.

Хотимлар саломатликларини тиклаш йўлида кейинги беш йил давомида 7803 киши ишлаб чикаришдан ажралмаган ҳолда санаторий-профилакторийларда дам олиб қайтди. Уларга 153 миллион 314 минг сўм маблағ сарфланди. Жамиятнинг йил давомида тўхтовсиз фаолият кўрсатаётган саломатлик масканларини маблағ билан таъминлашда юқори касабаси уюшма ташкилотлари ҳам катта ёрдам бермоқда.

"Оқтош" пансионати базасида маъсулият чекланган "Оқтош кимёгарлар оромгоҳи"нинг очилиши ишчилар фарзандларининг таътил

пайтида мароқли ҳордик чикаришларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Кимёгар" болалар оромгоҳида кейинги беш йил давомида 7180 нафар дам олувчида 803 нафари Оролбўйи минтақасидан келган ўсимлардир. Бу йил эса 990 нафар болага имтиёзли йўланмалар берилди. Умуман, корхонада ишловчиларнинг фарзандлари доимо

хонада катта силжишлар бўлгани мақтовга лойик. Кейинги беш йил давомида ишчиларнинг ойлук маошлари йилма-йил ошиб борди. Масалан, 1999 йил ўртача ойлук иш ҳақи 14 минг 386 сўм бўлса, 2004 йил охирида 135 минг 125 сўмни ташкил этди.

2003 йил бошидан бошлаб ишчиларнинг ойлук иш ҳақлари сўм-пластик карточкалар орқали берилган бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тад-

зорларда ҳам терминаллар ўрнатилган. Ишчи-хотимларимиз шахримизнинг барча савдо нуқталарида хоҳлаган маҳсулот ёки буюмларни ҳеч қандай муаммосиз сотиб олишлари мумкин. Жамиятимиз аъзолари бу кулайликлардан мамнун.

Дарҳақиқат, корхона ҳудудидаги дўконларда бўлганимизда, бу ёрда озиқ - овқат ҳамда халқ истеъмол моллари мазҳудлигига амин бўлди. Уларнинг нархи бозориникидан бироз қимматлиги диққатимизни тортиди.

— Тўғри - дея ихоз берди касабакўми раиси. — Бу,

## КИМЁГАРЛАР ШАҲРИДА байрам шукухи



касабаси уюшма ва маъмурият гомҳўрлигида бўлиб келади. Корхонада меҳнат қилган уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Уларга корхона қошида тузилган "Мадад" уюшмаси намуналий хизмат кўрсатади. Шу йилнинг ўзида 75 нафар фахрийлар санаторийларда дам олиб қайтди.

Қаердаки ишчи-хотимларга қулай иш ва дам олиш шароитлари яратилса, ўша ерда ишлаб чикариш самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Хотимларнинг иш ҳақлари ҳам ўсади. Бу борада кор-

бирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг корхона хотимларининг ойлук маошлари 85 фоизга пластик карточкаларда тарқатилмоқда.

— Корхонамиз ҳудудидаги 2 та дўконда ишчи-хотимлар савдо қилиши учун барча зарурий истеъмол моллари мавжуд, - дейди касабаси уюшма раиси Б. Абдуллаев. — Шунингдек, ишчиларимиз коммунал хизматлар учун, ёқилғи қўйиш шахобчаларида, фарзандларини шартномали ўқитишга ҳам пластик карточкалар орқали пул ўтказишлари мумкин. Шаҳримиздаги бо-



шунинг учунки, сотувдаги ридан турли хил мусоба- маҳсулотларнинг сифати қалар ўтказилади. "Отам,



аёло. Чунки, барча маҳсулотлар гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатлари билан қабул қилиб олинади. Гапнинг очиги, бозордаги ўша арзон, четдан хуфёна йўл билан кириб келган маҳсулотларга ҳеч қим қафолат бера олмайдди. Ҳозирда нархларни пасайтириш мақсадида ишлаб чикарувчи бирла тўғридан-тўғри шартнома тўзупмиз.

Корхонада жисмоний тарбия ва спорт ишлари алоҳида эътибор берилади. Жамият қошидаги "Кимёгар" спорт мажмуаси ишчи-хотимларга хизмат кўрсатади. "Наврўз", "Химиклар кўни" ҳамда энг улуг байрам—Мустақиллик кўнига бағишланган турли спорт тадбирлари айнан шу ерда ўтказилади.

Йил бошида тузилган оммавий спорт тадбирлари дастурига кўра волейбол, мини-футбол, баскетбол, футбол, шахмат, шашка, стол теннис, стритбол, армстрелинг каби спорт турла-

онам ва мен - спортчи оила" каби тадбирлар ишчиларнинг мароқли ҳордик чикаришида муҳим рол ўйнамоқда. Бундай мусобақаларни ўтказиш учун ўтган йил олти ярим миллион сўм маблағ сарфланган.

Маданий - маърифий курашдаги турли тадбирлар ҳам хизматчиларнинг мароқли ҳордик чикаришига хизмат қилмоқда. Жамият вакиллари М.Тожмухамедова, кизи Раёно билан Марказий кенгаш томонидан ўтган йили Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган "Она ва бола" кўрик-танловида фахрлий иккинчи ўринни эгаллади.

Сиҳат-саломатлик йили бўйича йиллик тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, улар йил давомида ўтказилмоқда. Жумладан, корхона ишчилари хоҳишларига кўра УЗИ аппаратида, кўз шифокори, стоматолог, гинеколог назоратидан бепул ўтиш, санаторий-профилакторийларга замонавий асбоб-ускуналар келтириш, "Она ва бола" йўлланмаси билан ишчи-хизматчиларга ва уларнинг фарзандларига даволаниш ва дам олиш учун қулай шароитлар яратиш, турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилган.

Корхонада ишчилар меҳнатини рағбатлантириш кенг йўлга қўйилган. Хусусан, ёшларни тарбиялашда олиб борган ишлари ҳамда малакали хотимларни таёрлашга қўшган ҳиссаси учун "Ёшлар мураббийси", "Жамиятнинг энг моҳир мутахассиси" фахрий унвонлари берилди. Шунингдек, "Ўзи касбининг моҳир устаси", "Моҳир ёш ишчи" унвонлари жорий қилинган. Ишчи ва хотимлардан Г.Қан, Е.Давидов, Ш.Ражабов, Ш.Усанов, Н.Рустамова, А.Байназаров, Б.Кашанов, Ж.Олимов, В.Шевяковский, Н.Руденко, А.Пўлатов, А.Сафаралиев, Н. Қиос, Н.Коваленко ва бошқалар ушбу мукофотга сазовор бўлишди.

А. ЮНУСОВ, "Ишонч" муҳбири

### Футбол. РОССИЯДАН ТЎРТТА ЖАМОА УЕФА КУБОГИ УЧУН КУРАШАДИ

УЕФА кубоги учун ҳал қилувчи баҳсларда Россиянинг 4 та жамоаси кураш олиб боради. «Крилья Советов» жамоаси Белорусиянинг «БАТЭ» жамоасини 2:0 (1:0) ҳисобида сафарда мағлубиятга учратгандан сўнг бу масала ойдин бўлди.

Аввалроқ ўз майдонида Австриянинг «Суперфунд» жамоаси билан дуранг ўйнаган «Зенит» вакиллари ҳам кўхна қитъада нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган турнирда қатнашадиган бўлди. Шунингдек, ўтган йилги УЕФА кубоги соҳиб Москванинг «ЦСКА» ҳамда чемпионлар лигаси баҳсларида ютказиб қўйган «Локомотив» жамоалари ҳам ушбу турнирда иштирок этади.

### «ЭВЕРТОН» КУЧАЙМОҚДА

Англиянинг «Эвертон» жамоаси УЕФА кубоги баҳслари арасида таркибини италиялик футболчилар билан бойитмоқда. Италия ҳамда «Рома» клуби ҳимоячиси Маттео Феррари жамоа таркибига қелиб қўшилиди. 25 ёшли футболчи «Эвертон» таркибига ихарада тўп суради. Унга шерик сифатида «А» сериянинг «Интер» клуби ярим ҳимоячиси Анди ван дер Мейде ҳам бу жамоага ўтади. Анкироғи, голландиялик футболчи миланиялик таркибига муқим ўрнаша олмапти. Шу боис у Ливерпул шахри жамоасига сотиб юборилади.

### «ЧЕЛСИ» БИЛАН ЙЎНАШ МАРОҚЛИ

«Ливерпул» жамоасининг сардори Стивен Жеррард, «Челси» билан бўладиган чемпионлар лигаси баҳсларидаги ўйин ўта муросасиз ва қизикарли кечади, деб айтган.

Бу ҳақда у чемпионлар лигаси баҳсларида кўра ташлаш маросимидан кейин ОАВ билан суҳбатда баён этган.

— «Челси» ажойиб жамоа, айниқса, унинг мураббийи яхши мутахассис. Шу боис лондонликлар билан ўйнаш ҳам мароқли, ҳам жуда қийин кечади, деган футболчи.

### Профессионал бокс

#### ЛОАҚАЛ ЖАРИМА УНДИРМОҚЧИ

Собик жаҳон чемпиони афсонавий Майк Тайсон турк ҳайдовчисининг гарданига туширгани учун судда жаъоб бериши мумкин. Бу воқеа ўтган шанба кўни Истамбул шаҳрида содир бўлган. «Формула-1» пойғаларини кузатиш учун фахрий меҳмон сифатида тақлиф этилган боксчи меҳмонхонага қайтаётганда таксига

### Спорт оламида

чиққан. Турк ҳайдовчисининг таъкидлашича, Тайсон уни тўхтатиб, тезроқ меҳмонхонага элтишини сўраган. Манзилга етиб келган, бюртманинг қоникарсиз бажарилганидан ранжиган «темир Майк» ҳайдовчисининг гарданига туширган. Бу лаҳзани маҳаллий телекомпаниянинг абжир операторлари лентага муҳрлашга улгурган.

Ҳайдовчининг гапларига кўра зарба унча кучли бўлмаган. «Уша лаҳзада нима бўлганини ўзим ҳам тушунмай қолдим», деган у. Ҳайдовчи жисмоний жароҳат туфайли зарар кўрмаганини бу борада ҳеч қандай даъволар йўқлигини, бироқ, «хизмат вазифини бажараётганда» шаъни топталгани учун собик чемпиони маҳқамага тортишга аҳд қилганини билдирган. Шунингдек, у ҳеч бўлмаганда модий жарима ундириш нияти борлигини яширмаган.

### ЖАНГ 21 ОКТЯБРГА КЎЧИРИЛДИ

Янги Зеландиялик ўта оғир вазли боксчи Дэвид Туа ўзининг навбатдаги жангини 21 октябрда ўтказадиган бўлди. Туанинг рақиби ўша-ўша - малайзиялик оғир вазли Сиссе Салиф бўлади. Аслида улар 26 август кўни рингга чиқиши лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Врачлар Янги Зеландиялик боксчи жангини қолдириши маслаҳат берди. Сабоби эса боксчининг қўлидан олган жароҳати ҳали битмагани ҳамда яқинда ақл тишини олдириш муолажаларини оғир ўтказгани бўлди.

### ҲАСИМ РАҲМОН - КЛИЧКОГА РАҚИБ

WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко ноябр ойда ўтадиган жангда рақиби Ҳасим Раҳмон бўлганидан мамнуллигини ихоз этган. Раҳмон яқинда вақтинчалик чемпион унвони учун жангда Монте Барреттани енггани учун даъвогар бўлди.

— Раҳмоннинг галабасидан хурсандман, - деган Виталий. — Чунки, Ҳасим Раҳмонни «савалшани» жуда-жуда хоҳайман. Бунга унинг ОАВдаги гап-сўзлари сабабдир. Уйлашимча, ҳақиқий боксчи ўзини ОАВда эмас, балки рингга бўладиган жангда кўрсатгани маъқул. Унинг Барретта билан жанги унча қизик кечмади. Ҳақамлар қарори билан Раҳмон галабага эришди. Агар у кучли бўлганда, нақаут билан ютиши лозим эди.

Жароҳатлардан батамом халос бўлган Виталий Кличко, кейинги ойдан бошлаб мураббий Фриц Эдунек раҳбарлигида машгулотларга киришади.

— Ҳозир Украинадаман. Бироқ бир неча кундан сўнг реклама бўйича бутун Германияни айлашиб чиқаман. Кейин тинимсиз машгулотлар бошланади. Бу вақтда оиламдан узоқда бўламан, уларни кўп соғинишимга қарамай, шундай қилишга мажбурман. Бу улар учун ҳам оғир. Аммо, жаҳон чемпиони бўлиш меннинг орзуим ва кўп вақт чемпионлиқни ушлаб қоламан, деган боксчи.

А. МАМАЖОНОВ тайёрлади

## ЯНГИ КОРХОНАЛАР - ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Пойтахтимизда «Тоштекстиль» кўшма корхонаси фойдаланишга топширилди

(Боши 1-бетда)  
Тантанали йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекенилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Баҳромов, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кемал Ася, «Мимекс груп» /Туркия/ компанияси президенти О.Каравели огли, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Шодномов ва бошқалар республикамизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишловчилар мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, одамлар фаровонлигини оширишга


қуввати тўлиқ ишга тушгач, ишчилар сони бир ярим миң кишига етади. Ишлаб чикаришининг иккинчи босқичида йиғирув цехини барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу эса калавани тўлиқ қайта ишлаш, тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чикаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Шуниси қувонарликки, Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида республикамизда тўқимачилик ва бошқа соҳаларда бирин-кетин янги кўшма корхоналар очилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январда қабул қилинган «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Айни вақтда 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастури ҳам тасдиқланди. Ушбу ҳужжат тўқимачилик соҳасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қилаётди.

Мутахассисларнинг фикрича, соҳанин хорижий сармоядорлар учун жозибадорлиги унинг барқарор хомашё базаси, юқори малакали ишчи-кадрлари ҳамда мамлакат раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши ва яратилган қулай шароитлар билан боғлиқ. Хўжалик юритиш фаолияти учун барқарор ҳуқуқий майдоннинг ташкил қилиниши, ортиқча ташқи аралашувларнинг бартараф этилиши, назорат органлари томонидан текширувларни ҳамда тақдим этиладиган ҳисоботлар шакллариининг қайта ташкилланиши ва тартибга солиниши, лицензия бериш, рўйхатга олиш ва сертификатлаш тартибларининг соддалаштирилиши ва энг аҳамиятлиси, кўшма ҳамда хорижий корхоналар учун қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган кенг кўламли турли имтиёз ҳамда қафолатлар тизимининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

Шу боис ушбу лойиҳаларнинг жадал амалга оширилиши яқин вақт ичида аҳолининг юқори сифатли саноат товарларига бўлган эътиҳини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларнинг катта қисмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Бу борада ижтимоий омилни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозир янги ташкил этилган кўшма корхоналарда бир неча минг киши иш билан таъминланди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қабул қилинган дастурга кўра, соҳада жами 46 миңдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. (ЎЗА)



қартилганини таъкидлади. Янги кўшма корхона ўзбекистонлик тўқимачиларнинг чет эллик ҳамкорлари билан ўзаро ҳам- жиҳатлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш имконини беради.

Кўшма корхона «Тошкешлоқмаш» очик акционерлик жамиятининг фойдаланилмаётган ишлаб чикариш майдонлари негизида ташкил этилди. Мазкур жамият, Германиянинг «Шульце» фирмаси ва Туркиянинг «Мимекс груп» компанияси корхона мутасадислари саналади. Лойиҳанингу мумий қиймати 14 миллион еврога ташкил этилди. Корхона хорижий сармоядорларнинг ўз маблағи ва «Асака» давлат акционерлик тижорат банки кредити эвазига молияланди.

«Тоштекстиль» корхонаси йилига 3850 тонна бўлган трикотаж мато ва 6 миллион донна трикотаж маҳсулот ишлаб чикариш қувватига эга. Экспорт салоҳияти 10 миллион АҚШ доллари ташкил этади. Янги цехларда Германия, Италия ва Америка фирмаларида ишлаб чикарилган юқори технология ускуналар ўрнатилган. Бу ерда 700 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади, ишлаб чикариш

Янгийўл туманидаги кўп тармоқли «Ишонч» фермер хўжалиги нафақат кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, балки қурилиш-таъмирлаш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Чунинки, янги мактаблар қуриш, мавжуд билим масканларини замонавий талаблар даражасида қайта таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир.

### «ИШОНЧ» ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Хусусан, таъмирлаш ишларини тендерда голибликни қўлга киритган ушбу хўжалик қурилиш бригадаси бунёдкорлари тумандаги 33, шунингдек, Янгийўл шаҳридаги 8-18-мактабларини тўлиқ таъмирдан чикариб, муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар.

Биргина 33-мактабда 80 ўринли қўшимча бина, спорт зали мажмуаси қурилиш учун 822 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Эндиликда ўғил-қизларимизнинг замонавий билим масканларида юқори даражада билим олишлари учун барча имкониятларни ишга солаётган хўжалик ишчи-хизматчиларининг гадаги режалари янада улкан. Вилоятнинг кўпгина туман ва шахарларидаги мактаб биноларини таъмирлаш ҳамда бир қанча қурилиш ишларида иштирок этиш шулар сирасига кириди.

Жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумида тармоқ меҳнаткашларининг фарзандларини дам олдиришни ташкил этиш ва уни қўнғилдагидек ўтказиш мақсадида тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгаши, ҳокимлик хўжалик органлари ва мутасадис ташкиллар ҳамкорлигида оромгоҳларни ўз вақтида тайёрлаш бўйича бир қатор аниқ тадбирларни амалга оширди. Бунинг натижасида оромгоҳлар ўз муддатидан фойдаланишга топширилди.

Мазкур йилнинг 12 апрелида вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан қўшма қарор қабул қилиниб, оромгоҳлар иш фаолиятини доимий назорат қилувчи комиссия тузилди. Белгиланган тадбирлар асосида соғломлаштириш ишлари ташкил этилди.

Агротасаноат мажмуи тизимига қарашли хўжалик ва ташкилотларда ишлаётган хотимларнинг фарзандларидан 8797 нафар даи олдирилди. Касби туман кенгаши соғломлаштириш режасини 106,4. Ғузур тумани 101, Қарши магистрал каналидан фойдаланиши бошқармаси 140 фоизга баҳардларди.

Мавсум давомида Шаҳрисабз «Дон халқ - ризиқи» очик хиссадорлик жамиятига қарашли Гулнора номли, вилоят

### ПОЧТА МАРКАСИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган почта маркаси муомалага чикарилади.

Мазкур марка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутадиган мазкур қадимий шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга бағишланган қарори асосида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қашқадарё вилоти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти ҳамкорлигида тайёрланди.

### Ёзги соғломлаштириш: таҳлил

дам олувчилар ўртасида «Санамлар сарвари», «Бали қизлар», «Бали йигитлар», «Ким эччил-у, ким чаққон?», «Қувноқлар ва зукколар» каби бир қатор тадбирлар уюштирилди.

Тарқатилган йўлланмаларнинг 35 фоизидан ортиси кам таъминланган ва

### ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Навбахор туманидаги «Ижид» кишлоқда кишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлашга иктиссоланган янги касбухона коллежи фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув йилидан 720 нафар ўқувчини бағрига оладиган бу билим масканида барча фанлар бўйича ўқув хоналари, компьютер сифони, спорт зали ва майдон, ошхона, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хоналари мавжуд.

Касб-хўна коллежида фермер, чорвадор, кичик ҳосилот, кишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш, энтомолог-хосилот, компьютер тармоқларини жиҳозлаш ва бадий либос усталари каби мутахассислар тайёрланади.



Р. БҮРИЕВ Қашқадарё вилоти Агротасаноат мажмуи хотимлари касабаси уюшма кенгашининг етакчи мутахассиси

## ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА


болаувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига ташкилотлар ҳисобидан бепул берилди. Мавсум давомида оромгоҳларнинг иш фаолиятини доимий назорат қилувчи комиссия томонидан барча дам олиш масканларининг тарбиявий, маданий-маърифий, молиявий ишлари, спорт тадбирлари ўрганиб чиқилиб, аниқлар ёрдам берилди. Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилишига эришилди. Жорий йил бошида ка-

# ЎЗБЕКИСТОН САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Оллоҳ назари тушган диёрда  
яшаётган барча инсонларни энг  
улуғ байрам билан қутлаймиз.  
Ниятимиз Мустақилликнинг  
шукуҳи абадий бўлсин!*



# БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ





*Қаддини кўтарган қадрим синмасин,*


*Орзулар йўлига чанглар инмасин,*

*Истиқлол офтоби мангу сўнмасин,*

*Кўнгил тулпорига қамчи ур энди!*



# «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ



*Барчани республикамыз  
мустақиллигининг 14  
йиллик байрами билан  
самимий қутлайди.*

*Азизлар,  
хонадонингизни  
хотиржамлик,  
дастурхонингизни қут-  
барака, қалбингизни  
қувонч ҳеч қачон тарк  
этмасин.*

U  
Z  
D  
A  
E  
W  
O  
O

